

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!



26-oktyabr 2023-yil 43 (1041)



www.21asr.uz



@XXIasr_yangiliklari



XXIasrgazetasi



xxi_asr@mail.ru



asr_xabarlari_news


“XXI ASR” ШАРҲИ

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ОЛИЙ РУТБА ВА ЗАЛВОРЛИ МАҚОМ

МУҲОКАМА, ТАКЛИФ, МУНОЗАРА

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунги муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимда бевосита қатнашганлар қўйидаги мулоҳазани инкор этмасалар керак: бунақаси ҳали бўлмаганди!



Очиғини айтايлик, мазкур санага бағишланган аввалги тадбирларга фақат тил фидойилари ва жонкуяр журналистлар келарди, холос. Бу гал эса умуман бошқача таассурот уйғотди. Зеро, унда Сенат Раиси, парламент кўйи палатаси Спикери, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Ҳукумат раҳбарлари, турли вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари, олимлар, адиллар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди. Муҳташам сарой фойеида ташкил этилган тилимизнинг нуфузи ва мавқеини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларни намойиш этувчи кўргазма ҳам диққатга сазовор бўлди. Гапнинг индаллоси шуки, кўпчилик залга киргунча “Бўлар экан-ку”ни қайта-қайта тилга олиб улгурди...

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунги муносабати билан йўллаган табриги ўқиб эшиттирилаётганда тил миллатнинг азалии тамал тошидир, деган ёруғ, нурилик фикрлар ўтди хаёлимиздан. Одам оламни кўзи билан кўра, танир балки, лекин Оллоҳ ато этган тил билан идрок этади. Ким қайси тилда ўйласа – ўша тил тегишли миллатга, халққа мансубдир. Биз ҳам шундай, тўғрими, соф ўзбекона тилда ўйлаймиз, фикрлаймиз, тафаккур қиламиз!

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бугун ер юзиде 6 909 та тил бор. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам муайян миллатга тегишли эмас. Булар орасида кам сонли одамлар гаплашадиган қавмлар ҳам талай. Дунёда ҳатто катта давлат бўлиб яшайётган айрим халқларнинг тили йўқлиги ҳам айни ҳақиқат-ку! Улар орасида ҳатто давлат мақомига эга бўлмаганлари қанча.

Шукрки, биз ўз она тилимизга эгамиз. Жонажон Янги Ўзбекистонимизда ўзбек тили олий рутба ва залворли мақом касб этиб турибди. Жаҳонда 50 миллиондан ортиқ киши шу тилда сўзлашиши фахру ифтихор бағишлайди ҳар биримизга. Уни янада ривожлантириш, қолаверса, бу борада ҳали ечимини кутиб турган айрим муаммоларни ҳал этиш ҳар биримизга алоҳида масъулият юклайди ҳам.

Оддий мисол, ижтимоий тармоқларда, матбуот саҳифаларида, радио-телевидениеда қонунда белгилаб қўйилганидек, фақат пойтахтимизда эмас, аксинча, бутун республика миқёсида бевосита ўзбек тилига бўлган ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида ёзилиши шарт бўлган турли маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, туризм соҳаси объектлари, жумладан, дўконлар, кафе, ошхона, ресторан, меҳмонхоналар, кўчалар-

даги афишалар, баннерлар, рекламалар, эълонларнинг нима учун давлат тилида ёзилмаётганлиги ҳақида неча йиллардан бери тинимсиз бонг урилайётган бўлса-да, масъуллар ҳамон сукут сақлаб ўтирганини қандай изоҳлаш мумкин? Аввал бизнинг ўзимиз она Ватанимизда ўзбек тилига бўлган эътиборни кучайтирсакки бирор натижага эришамиз. Акси бўлса...

Табриқда таъкидланганидек, она тилимизнинг БМТ сингари нуфузли тузилмалар минбаридан янграши ўзбек тилининг обрўси тобора юксалишида, жонажон тилимизни ўрганишга бўлган қизиқишининг янада ортишида асосий омил бўлмоқда. Дарҳақиқат, тил бизнинг борлигимиз, миллат, давлат, ягона халқ сифатидаги бирлигимизнинг ўзига хос кўзгусидир.

Давлат раҳбари қутлови диққат билан кузатган киши тил сиёсати билан боғлиқ айрим саволларга ҳам аниқ жавоб топади: “Лотин графикаси асосидаги алифбозимизни такомиллаштириш ишлари ҳам давом этмоқда. Ушбу масала юзасидан халқимиз, жамоатчилигимиз томонидан билдирилган барча таклиф ва тавсиялар жиддий ўрганилиб, муҳокамадан ўтганидан сўнг тегишли қонун лойиҳасини яна бир бор

кўриб чиқиб, парламентга киритиш мақсадга мувофиқдир. Биз давлат тили тараққиётини жаҳондаги етакчи хорижий тиллар ва мамлакатимиздаги турли миллат вакилларининг тили ва маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда кўрамиз”...

Бугунги кунда юртимизда таълим жараёнлари 7 тилда олиб борилаётган. Республикада мавжуд 1 453 та оммавий ахборот воситаси ҳамда юзлаб веб-сайтлар орқали қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, туркман, корейс, турк, араб, инглиз, немис ва бошқа тилларда материаллар эълон қилинаётгани ҳам Ўзбекистонни тенглик, дўстлик ва бағрикенглик диёрига айлантириш мақсадининг бир кўринишидир. Бунда жадидларнинг “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзгу ғояси асосида иш юритиш айни муддаодир. Модомики, муштарак мақсадлар, умуммиллий аҳиллик бугун ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўта кескин ва таҳликали замонда фақатгина шу тарзда миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш, жумладан, она тилимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, уни таъсирчан мулоқот воситасига айлантириш имконини беради.

Давоми 3-саҳифада. ►►

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси ййғилишида депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган лойиҳа билан Сайлов кодексида ҳамда 7 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Халқ вакиллари фикрича, ушбу конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сиёсий партиялар ва депутатлар ўртасидаги алоқаларнинг мустақамлашишига, партиялар мавқеи ҳамда сайлов органларининг профессионаллик даражаси янада ошишига хизмат қилади. Фракция аъзолари юқоридаги ҳамда мазкур қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратини ҳисобга олиб, уни маъқулладилар. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига фуқароларнинг ижара муносабатлари ва пенсия таъминоти борасидаги ҳуқуқларини мустақам-

лашга қаратилган ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинган бўлди. Ушбу ҳужжат билан “Ижара тўғрисида”ги қонунга ижарачининг ногирон бўлиб қолганлиги ижара шартномасини тугатиш учун асос бўлиши бекор қилинишини, шунингдек, қонунда қўлланилган айрим тушунчаларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунда пенсияерларга ҳисобланган, лекин улар томонидан талаб қилиб олинмаган пенсияларни олиш муддати икки бараварга, яъни ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача узайтирилиши ҳам назарда тутиляпти. Муҳокама қилинган депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари томонидан берилган таклифлар инobatга олингани ва лойиҳа матнида акс эттирилгани, ҳужжат матни янада такомиллаштирилиб, маромига етказилганини ҳисобга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватладилар.

Муҳбиримиз

XXI ASRNING 24-ЙИЛИДА ҲАМ “XXI asr” БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

Обуна 2024

Обуна индекси – 406. Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.

БУГУНГИ СОНДА:





“ЯШИЛ МАКОН”

ЭКИЛГАНИ ЭМАС, КЎКАРГАНИ ҲИСОБ!

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Айниқса, ислохотлар муваффақиятига эришишда масъулиятни зиммасига олган O‘zLiDeP учун бу ниҳоятда долзарб масаладир.

Шу муносабат билан мамлакатимизда эълон қилинган 25 октябрдан 1 декабргача кузги даракт экиш мавсумида партиядошларимиз фаол қатнашмоқда. Айни шу даврда республика бўйича 85 миллион туп кўчат экилиши диққатга сазовор.

дала четига мевали ҳамда манзарали кўчатлар экилади.

“Яшил макон” акциясининг кузги мавсумида Амударё туманида жами 488 минг туп мевали ва манзарали даракт кўчатларини экиш режалаштирилган. Бунда ҳудуд иқлимга мос, аллергия кўзгатувчи касаллик келтириб чиқармайдиган кўчатлар экилади, албатта.

Семинар қатнашчилари тумандаги Арна бўйи маҳалласи ҳудудида фаолият юритаётган “Камалов Гулмирза” фермер хўжалиги дала-си четларида шпаллер усулида экилган узум ҳамда ҳудуддаги 30 та фермер хўжалиги бирлашган ҳолда 5 гектарли майдонда тўқсонбости усулида экилаётган пиёз экиш ишлари билан ҳам жойида танишишди.

Аҳолининг сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида ҳосилдан бўшаган майдонларга совуққа чидамли пиёз ва саримсоқлиёз каби экинларни тўқсонбости усулида экиш Куюк кўпир овули ҳудудидаги “Уразалиев Хўжааҳмед”, Намуна маҳалласи ҳудудидаги “Музаффар Ешчанов” фермер



Амударё туманидаги Тўлқин овули ҳудудида фаолият юритувчи “Илҳом Матлуба” фермер хўжалигида ушбу умуммиллий лойиҳа доирасида дала четларига кўчат экилиши бўйича семинар ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O‘zLiDeP фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов, Қорақалпоғистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси И. Юнусов, маҳалла фаоллари, нурунийлар ва ОАВ вакиллари бевосита иштирок этди.

– Боғ яратиш, ниҳолларни парваришлаш, атроф-муҳитни озода сақлаш ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган азалий анъаналардан биридир, – деди А. Хаитов семинарнинг очилишида. – Бугунги кунда мана шундай эзгу ташаббуслар давом этаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Кўчат экиш ишларини уюшқоқлик билан амалга ошириш учун кенг миқёсда тушунтириш-тарғибот ишлари олиб бориляпти. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини ошириш, уларда атроф-муҳитга бўлган эҳтиёткорона ва дўстона муносабатини шакллантириш, болаликданроқ табиатга меҳр-муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Семинар давомида Чойкўл овули ҳудудида “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида тумандаги 49 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғинларининг фаоллари иштирокида



хўжалигидаги яхши йўлга қўйилгани эътироф этилди.

Бундай усулда экиш фермер ва деҳқонларга даромад келтириши билан бирга бозорлардаги нарх-наво барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шуларни инобатга олган ҳолда, амударёлик деҳқон ва фермерлар кузнинг илиқ кунларидан оқилона фойдаланиб, ишларни қисқа фурсатда яқунлаш учун ҳаракат қилишмоқда.

O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

O‘zLiDeP ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ

СОВУҚ СЎРАБ ЎТИРМАЙДИ

УНГА ТЎРТ ФАСЛДА ҲАМ ТАЙЁР ТУРИШ КЕРАК

Ўтган йилги қиш мавсумидаги аномал совуқ барчани жиддий синовдан ўтказгани ёдимизда. Демак, бу йилгисига пухта тайёргарлик кўриш зарур ва шарт.

Ҳўш, куз яримлаб, остонада қиш эшик қоқай деб турган айни паллада республикаимиздаги ижтимоий соҳа объектларининг аҳволи қандай? Улар совуқ-қировли мавсумга тайёрми?

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиш, жойларга чиқиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этишни ўз олдига мақсад қилди. Партиянинг парламент Қонунчилик палатасидаги фракцияси, ҳудудий кенгашлари депутатлари, фаолларидан иборат ишчи гуруҳи аллақачон шакллантирилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари ҳозирги кунда ҳудудларда бўлиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириш ишларига киришди. Хусусан, мавсумга тайёргарлик, энергетика, ичимлик суви таъминоти, озиқ-овқат хавфсизлиги, шунингдек, ёшлар ва аёллар муаммоларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу каби долзарб масалалар сиёсий кунининг жорий йил якуни ва 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги вазифалар режасида ҳам ўз аксини топган.

НАМАНГАН

ГУЛЛАР ШАҲРИДА НИМА ГАП?

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Наманган шаҳар кенгаши ҳузурида бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мавжуд камчилик ва муаммоларни ижобий ҳал этиш учун ишчи гуруҳ шакллантирилиб, унга партия фаоллари, депутатлар жалб этилди.

– Дастлаб гуруҳимизнинг жорий ҳамда 2024 йилнинг биринчи ярми учун иш режасини тасдиқлаб олдик, – дейди кенгашнинг аппарат раҳбари Соҳиба Ғафорова. – Аввало, коммунал хизмат идораларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик даражаси ҳақидаги ҳисоботларини эшитамиз. Шунингдек, ижтимоий соҳа объектларида қишга ҳозирлик қандай бораётганини мониторинг қилиш, камчилик ва муаммоларни жойида ҳал этиш юзасидан тегишли идораларга маълумотларни киритиш, Халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессиясида бу каби долзарб масалаларни муҳокама этиш асосий режаларимиздан биридир.



Шу пайтгача шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 10,11,17, 27, 44 ва 45-мактабларда мавсумга тайёргарлик ҳолати ўрганилди. Ўқув биноларининг ички ва ташқи томонлари, дераза, рому эшиклар, поллар, иситиш тизими, қозонхона, қувурларнинг яроқлилик ҳолати-ю кўмир захирасига, ёнғиннинг олдини олиш бўйича кўрилган чоралар, ҳамма-ҳаммаси бирма-бир кўздан кечирилди.

Маълум бўлишича, 10-мактабда кўмир захираси бўлса-да, уни хавфсиз ҳолатда сақлашга эътибор берилмаган, сув таъминотида узиллишлар ҳам мавжуд. 17-таълим масканида эса таъмирлаш хали якунланмаган, эшик ва ромларни янгилашга эҳтиёж бор. 27-мактабнинг иккинчи ва учинчи қаватлари йўлагидега иситиш тизими мавжуд эмас.

Шу боис, бу каби арзимас бўлса-да, эртага жиддий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин камчиликларни ҳал қилиш юзасидан мутасаддиларга тавсиялар берилди. Ахир қиш бизнинг тайёргарлигимизни кутиб ўтирмайди. Истаган вақтда эшик қоқиб келаверади. Шунинг унутмаслигимиз даркор.

АНДИЖОН

ИЗБОСКАНЛИКЛАРГА ГАЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИЛЯПТИМИ?

Халқ депутатлари Избоскан туман кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман газ таъминоти раҳбари Р. Бўроновнинг ахбороти эшитилди.

Қайд этилишича, туманда 63 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, табиий газ билан таъминланмаган ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли хонадонлари суюлтирилган газ билан таъминлаб келинмоқда. Суюлтирилган газдан фойдаланаётган 40 004 та истеъмолчи бор. Уларга 2023 йилнинг 9 ойи давомида 5487,690 тонна суюлтирилган газ етказиб бериш режалаштирилиб, амалда эса 4478,620 тонна (82 фоиз) етказилган.

Октябрь ойида бу режа 572,23 тонна этиб белгиланган (1 кунлик режа 18,459 тонна). Ойнинг 16 кунинда истеъмолчиларни ушбу маҳсулот билан таъминлаш 95 фоизга бажарилди. Бу ишда “Избоскантумангаз”нинг 7 та махсус транспорт воситаси хизматга шай.

Аҳоли хонадонларига суюлтирилган газ етказиш билан бир қаторда ундан хавфсиз фойдаланиш бўйича керакли кўрсатмалар ва тарғибот ишлари ҳам олиб борилмоқда.

СИРДАРЁ

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КУЧАЙМАСА...

Партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи вакилларидан иборат ишчи гуруҳ ҳам жамоатчилик назорати тадбирлари доирасида ҳудудларда ижтимоий соҳа объектларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганишмоқда.

Гуруҳ аъзолари Гулистон туманидаги 4 ва 11-давлат мактаб-гача таълим ташкилотларида бўлиб, куз-қишга тайёргарлик жараё-

нини обдон кўздан кечиришди. Жумладан, кўмир, сув таъминоти ва ёнғинни ўчиришга нечоғли шайлиги, моддий-техник база билан танишишди.



Улар Оқолтин туманидаги 8-мактаб ҳамда Ширин шаҳридаги 1-давлат мактабгача таълим ташкилотидега ҳам бўлишди. Мавжуд камчиликлар аниқланган, уларга ечим топиш чоралари кўрилди. – “Худудгаз Сирдарё” газ таъминоти филиали берган маълумотга кўра, Гулистон шаҳридаги 96 947 та аҳоли хонадонидега табиий газ жихози мавжуд, – дейди O‘zLiDeP Гулистон шаҳар кенгаши аппарат раҳбари, ишчи гуруҳ аъзоси Лола Кенжаева. – Ўрганиш жараёнида ишчи-хизматчиларга нафақат иш, балки турар жойларда ҳам иситиш тизимларидан фойдаланишда эҳтиёткор бўлиш ва масъулиятни унутмаслигини эслатди.

Шу кунги ишчи гуруҳ аъзолари Гулистон шаҳридаги боғча ва бошқа ижтимоий соҳа объектларида қозонхоналарнинг мавсумга тайёргарлиги, кўмир, сув таъминоти ва ёнғинни ўчириш имконияти ҳамда тегишли моддий-техник база билан таъминланганлик ҳолати бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганиш якунлари бўйича таҳлилий маълумот тайёрланди. Аниқланган салбий ҳолатларни бартараф этиш юзасидан йўл хариталари лойиҳаларини ишлаб чиқилди. Улар эндиликда туман ва шаҳар кенгашлари сессияларида муҳокама қилинади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

АВВАЛ КЕНГАШИЛДИ, СЎНГ...

Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралы уй-жой фондини 2023-2024 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашни таъминлаш йўналишида қилинган ишлар ҳолати ўрганилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дастлаб партия ишчи гуруҳи ва тегишли мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокида муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг боришини сифатли ташкил этиш масаласига эътибор қаратилди. Коммунал соҳа раҳбарлари иштирокида жараёнда юзага келиши мумкин бўлган камчиликларни ижобий ҳал қилишга эришиш борасида ўзаро фикрлашилди.



Хусусан, иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа муассасаларининг мавсумда барқарор ишлашга тайёрлаш, аҳолини ўз вақтида электр энергия, табиий газ, тоза ичимлик суви каби зарурий манбалар билан таъминловчи соҳа раҳбарларининг, аввало, ўз қорхоналаридаги техник асбоб-ускуналарнинг соғлиқ ҳолатини таъминлаш, қўшимча подстанция ва жиҳозлар ўрнатиш, хизмат сифатини ошириш бўйича таклифлари тингланди.

Шундан сўнг партия вакиллари Нурафшон шаҳри ҳамда Бўка туманларига чиқиб, вазиятни кўздан кечиришди. Нурафшондаги 480 ўринли 32-умумий ўрта таълим мактаби, Бўкадаги 1-давлат мактабгача таълим ташкилоти, 10, 21, 33-умумий ўрта таълим мактаблари, кўп қаватли уй-жойлардаги мукамал ва жорий таъмирлаш дастурлари ижроси, ичимлик, электр ва иссиқлик энергияси таъминотини ўрганишди.

Кўмир ва ўтин захирасини сақлашда зарур бўладиган махсус сақлов хоналарини ташкил этиш, умумий фойдаланишдаги ҳожат-хоналар таъмирда кўмаклашиш, ёқилғи узлуксизлигини таъминлашда амалий кўмак бериш борасидаги вазифаларни белгилаб олишди.

Партия ишчи гуруҳининг ўрганишлари давом этмоқда.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири**

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

ЭЛНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ – ТИЛНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ

Кўнгилга сурур бағишлайдиган яна бир жиҳати, тилимиз дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири эканлиги билан чамбарчас боғлиқ. Тўғри, у пайтлар ўзбекча эмас, туркий тил дейилган. Буни ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Зотан, юртимиз туркий цивилизация бешиги бўлган.

Шу маънода, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлири котибларининг Тошкент шаҳрида йиғилганида ҳам ўзига хос мантиқ мужассам. Президентимизнинг саммит иштирокчиларига йўллаган табригида бу фикр айниқса яққол кўзга ташланади: “Туркий давлатлар ташкилотининг жадал ўсиб бораётган салоҳияти ва обрў-эътибори – бу бизнинг дўстлигимиз ва бирдамлигимиз куч-қудратининг ҳамда фақат биргаликда сезиларли ва улкан натижаларга эриша олишимизнинг яққол тасдиғидир”.



Сезган бўлсангиз, бирлик-бирдамликни таъминлаш тил байрамидаги тақлиф-ташаббусларга уйғун жаранглаяпти, долзарб вазифалар ечимига яхлит ёндашув сифатида мана-ман деб кўзга ташланапти.

Кутлов мағзини синчиклаб ўрганишда ва таҳлил қилишда давом этамиз: “Туркий дунёнинг илм-фан, маданият ва санъат соҳаларидаги тараққиётга ҳисса қўйган атоқли шахсларни тақдирлаш учун таъсис этилган Алишер Навоий номидаги мукофот биринчи марта топширилди. Ўзбекистон Халқаро туркий маданият ташкилотига тўлақонли аъзо бўлди, ТУРКСОЙ ташкил этилганининг уттиз йиллиги тантанали равишда нишонланди”. Кўриб турганингиздек, туркий дунёнинг мукофоти ўзбек тилининг асосчиси Ҳазрат Навоийнинг муборак номи билан боғланмоқда.

“Бундай форматдаги учрашув хавфсизликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш ҳамда бугунги нотинч дунёдаги умумий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда жавоблар ишлаб чиқиш учун самарали майдон бўлиб хизмат қилади. Ишончим комилки, туркий тилли мамлакатлар Хавфсизлик кенгашлири котиблари даражасидаги кўп томонлама ҳамкорлик механизми Туркий давлатлар ташкилоти мақомида хавфсизлик соҳасидаги мулоқотни мутлақо янги даражага олиб чиқади”.

Хуллас, шахсан мен бу табрикнинг моҳиятини “элниг хавфсизлиги – тилинг хавфсизлиги, тилинг муҳофазаси – миллинг муҳофазаси” деб тушунади. Халқаро миқёсда мураккаб вазият ҳўк сураётган бир шароитда бошқача англашим мушкул. Глобал ва минтақавий хавфсизликка қарши таҳдидлар кучайиб, янги хавф-хатарлар вужудга келаётган даврда бошқача ўйлаш ҳам мумкин эмас-да.

СУВ СТРАТЕГИЯСИ – ҲАЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Тилсиз миллат аста-секин йўқолиб боради. Сувсиз халқ эса уч кундан кўп яшай олмайди. Дастлабки маънавий, кейингиси моддий эҳтиёж. Президент Шавкат Мирзиёев ўзбек тили байрами нишонланаётган кунларда сув билан боғлиқ кетма-кет йиғилишлар ўтказгани ҳам эртанги кун ўйи, ташвишлари, одамларга ғамхўрлик ифодасидир.

Уларнинг бирида худудларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини яхшилаш масалалари кўриб чиқилган бўлса, иккинчисида суғориш тизимига сув тежовчи технологияларни жорий қилиш нуқтаи назаридан жиддий муҳокама қилинди.

Таҳлилларга қараганда, бугунги кунда 1 куб метр ичимлик суви таннархи Тошкент шаҳрида 448 сўм бўлгани ҳолда Наманганда қарийб 3 минг сўмни, Самарқанд ва Навоийда 2 минг 600 сўмни ташкил қилади. Сув ишлаб чиқариш таннархида электр энергияси улуши республика бўйича ўртача 27 фоиз. Лекин Фарғона, Наманган ва Тошкент вилоятида бу кўрсаткич юқори.

Ҳозирда сув қорхоналари 1 киловатт-соат электрни 900 сўмдан сотиб олаяпти. Кўёш станцияларида ишлаб чиқарилган электр нархи эса ўртача 350-400 сўм, яъни 2 баробардан зиёд арзон. Инвесторларни жалб қилиб, сув иншоотлари атрофидаги бўш майдонларда кўёш панеллари ўрнатиш мумкин. Шунингдек, эскирган ичимлик суви насосларини энергия тежамкорига алмаштириш зарур.



Йиғилишда сув бўйича лойиҳалар қийматини қайта кўриб чиқиш, уларда ишлатиладиган материалларни маҳаллийлаштириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Соҳадаги янги лойиҳалар бундан буён бевоқифа жойларга чиқиб, аҳолининг фикри ва розилиги олингандан кейин маҳаллий кенгашларда муҳокама қилиниши белгиланди.

Сўнгги икки йилда сув тежовчи технологияларга катта миқдорда субсидия ажратилган. Лекин ўтган йили истеъмол қилинган 39 миллиард куб метр сувнинг 36 фоизи тупроқ ўзанил канал ва ариқларда йўқотилган кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, ерларнинг 70 фоизи эски усулда суғорилгани боис

5-6 миллиард куб метр сув беҳуда сарфланиб, коллекторларга ташланаётгани танқид қилинди.

Давлатимиз раҳбари сув ҳўжалигидаги бундай вазиятдан чуқур ташвишдалигини қайд этиб, соҳа мутасаддиларига қаттиқ эътироз билдирди. Каналларни бетон қилиш орқали йўқотишларни камайитириш, насосларни энергия тежамкорига алмаштириш, сув иншоотларида автоматлашган ҳисоблагич ўрнатиш юзасидан топшириқлар берди.

ТўҒРИ ТАЊҚИДНИНГ ТўҚМОҒИ...

Долзарб масалаларга бағишланган видеоселекторда Президент айрим амалдорларни йўл-транспорт ҳодисаларига лоқайдлик, парламент депутатларини эса юз бераётган воқеаларга томошабинликдан тийилишга чақирди. Бу танқид тўғридан-тўғри баён этилгани жамоатчиликка жуда маъқул тушди. Тўғри-да, йўллардаги аварияларда қанча одам ўлиб кетаётганидан ҳамманинг хабари бору гўё уларнинг ўзи химоя қилингандек таассурот қолдирмоқда.

Даярли ҳар куни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда қайсидир худудда турли йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгани ҳақдаги ноҳус хабарларни эшитиб юраклар эзилади. Афсуски, улар туфайли яқинларидан айрилаётганлар оз эмас. Бу эса соҳадаги чора-тадбирларни янада кучайтиришни тақозо этади.

– Йўлларда шунча одам ўлиб кетяпти, ижтимоий тармоқларга қараб бўлмайди, – деди Шавкат Мирзиёев йиғилишда. – Нега Президент ташвиш қилиб, ҳаммани “ёндириши” керак? Нимага депутатлар “ёнайди”? Ёшлар ўляпти, 4 000 та, 4 200 та одам авариядан ўляпти. Бекордан-бекор. Нимага одамлар ўлиши керак чорраҳалар тўғриланмагани учун?

Президент транспорт вазири ва бошқа мутасаддиларга пойтахт ва вилоятларда жамоат транспортини ривожлантириш, светофор ва белгилар ўрнатиш, тирбандликни камайитириш, кўчаларни тартибга келтириш бўйича чора-тадбирлар кўришни топширди ва 2024 йил бо соҳада катта ўзгаришлар йили бўлишини таъминлаш вазифасини қўйди.

Кескин танқиддан кейин депутатлар ҳам фаоллашиб қолди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Одилжон Тожиёв йўлдаги қоидабузарликлар учун жазони кучайтиришни, магистраль йўлларда тезликни чеклаб, қўшимча фоторадарлар ўрнатишни таклиф этди.

“Миллий тикланиш” фракцияси вакили жарималар миқдорини кўтаришни ечим сифатида таклиф қилар экан, бугун йўллардаги қоидабузар ҳайдовчилар кўпроқ қайси тоифага мансублигини билмаслигини сездириб қўйди. Зеро, жарималарнинг ҳозирги миқдори ҳам оз эмас. Уни тўлашнинг ўзи бўлмаяпти кўпчилик ҳайдовчиларга.

“Оёғи ердан узилган”ларга келсак, аксарият ҳолларда улар ўзига тўқ инсонлар, димоғи кўтарилган амалдорлар ё уларнинг бели оғримай пул топган фарзандлари бўлиб чиқаяпти. Бундай тоифадагилар учун жарима миқдорининг фарқи йўқ. У чўнтақдан бу чўнтаққа пул ўтказиб, яна йўлда “учиб” юриверади. Мана, масалан, яқинда битта вилоят транспорт бошқармаси бошлиғининг ўғли автомобилда кўрсатган қилиқлари ижтимоий тармоқни “портлатди”.

Хўш, унга нима чора кўрилди?

Агар О. Тожиев айтмоқчи, қонун-қоида кучайтириш керак бўлса, аввало, мана шунақа тоифадаги ҳайдовчиларни узоқ йиллар машина бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш ва ҳуқуқбузарлик содир этилган ўш автомотобилни мусодара қилиш йўлидан бориш самара бериши мумкин.

ПРЕЗИДЕНТ КОРТЕЖИ НЕГА ЙўНАЛИШНИ ўЗГАРТИРДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кун тартиби ниҳоятда тиғизлигини олдинги шарҳларимизда ҳам таъкидлаганимиз. Аммо давлатимиз раҳбари ҳар қандай шароитда ҳам худудлар ривожини билан шахсан танишиш, муаммоларни жойида ўрганишга кўпроқ вақт ажратаётгани ҳақиқат.

Шу маънода, юртбошимизнинг халқаро тадбирлар ва чет эллик меҳмонлар қабули, жиддий видеоселекторлардан кейин дам олмасдан Қашқадарё вилоятига ташриф буюргани ислохотлар ортага қайтмас тус олганининг яна бир тасдиғидир. Бутун фаолияти давомида ҳар бир соҳа бўйича бевоқифа халқ билан мулоқот қилиб, аҳоли ҳаётидан келиб чиқиб иш юритаётгани ҳам шундан. Айни жиҳатлар Қашқадарё вилояти-

га ташрифда ҳам намоён бўлганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик. Давлатимиз раҳбари дастлаб “Sulton Tex Group” кластерининг тўқимачилик қорхонаси билан танишди.

Бу қорхона умумий қиймати 8 миллион 200 минг долларлик лойиҳа эвазига ўтган йили ишга тушган. Замонавий технология ва ускуналар самарасида йилига 5 миллион дона тикув-трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш қуввати яратилган. Эътиборлиси, кластер “янги маҳсулот – янги давлат” принципи асосида экспортни йўлга қўйган. Бугунги кунда сифатли товарлар АҚШ, Канада, Польша, Сингапур, Россия каби мамлакатларга тўлиқ экспорт қилинмоқда. Даромад, иш унумдорлиги ҳам шунга яраша юқори. Кластерда пахта этиштириш ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжирида 3 мингга яқин аҳоли меҳнат қилмоқда.

– Аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги одамларга муносиб турмуш шароитлари яратиш ислохотларимизнинг асоси бўлиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев. – Маълумки, Қашқадарё вилоятида юртимиздаги энг кўп пахта этиштирилади. Лекин уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш ҳажми кам. Масалан, мато тўқиш ва буюш йўлга қўйилса, туманларда қўшимча 60 минг кишини банд қилиш мумкин.

Шу ерда Президентимизга Шаҳрисабз, Китоб ва Қашқадарё туманларида туризмни ривожлантириш лойиҳалари тақдимот қилинди. Қишлоқларда инфраструктурани яхшилаб, сайёҳлик йўналишларига кириштириб, аҳоли учун даромад манбаларини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев худудларга ташриф чоғида аввалдан белгиланган йўналишни қўлланганда ўзгартириб, режада йўқ объектларга кириб бориши кўпчиликка маълум. Куни кеча Қашқадарёда ҳам худди шундай бўлди. Кортёж бирдан Қарши тумани тиббиёт биноларига бурилди ва Президент бу ердаги шароитларни мутасаддиларнинг тайёргарлигисиз кўздан кечирди.

Мақсуд бирлашманинг биноси ўтган асрнинг 60-70-йилларида қурилган. Шифохона 228 бемор ўрнига ва поликлиника 250 қатновга мўлжалланган. Ҳозирда тумандаги 243 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Лекин бу ердаги шароитлар шунча қамров ва замон талабига мос эмас. Айрим жиҳозларни янгилашга зарурат борлиги мутахассис бўлмаган кишига ҳам билиниб турибди.

– Бугун Қашқадарёга келишимиздан мақсад вилоятнинг 3 ярим миллион аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, оғирини енгил қилиш, санаят, қишлоқ ҳўжалиги, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш. Йўлдан ўтиб кетаётган шифохона қандай экан, деб кирдим. Ҳолатни ўзим кўриб, оддий одамлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, қарор қабул қилиш – менинг энг катта мақсад-муддаам. Аввал ҳам айтганимдек, таълим билан тиббиёт сифатли бўлса, одамлар рози бўлади. Кўп жойларда шифохоналарни яхши қилдик. Лекин Қарши туманидаги шароит менга маъқул эмас. Бугун кўрганларимдан хулоса қилиб, бу ерда янги шифохона қурамыз, – деди Шавкат Мирзиёев.



Мутасаддиларга бўлажак мажмуа ўрни ва лойиҳаси бўйича таклиф киритиш вазифаси қўйилди. Келгусида у энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади ва дори воситалари билан бепоул таъминланади. Туман тиббиёт биноларига ишлайдиган бир гуруҳ шифоқор ва ҳамширалар хорижа малака оширишга юборилади. Шу тариқа бу маскан бошқа туман шифохоналари ходимлари учун ўқув-амалиёт марказига айланади.

Шифохонадан чиққан Президент сафар дастуринда назарда тутилган манзиллар билан танишишда давом этди ва шу яқин атрофда жойлашган 12-мактабни бориб кўрди. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди. Мактаб шароитлари, дарсликлар сифати билан қизиқди.

– Мактаб бор жойда маданият бўлади. Педагоглар бошқаларга ҳар жиҳатдан ўрнак. Мактаб атрофи обод бўлиб, мавсумий гуллар яшнаб турса, ёшларга ҳам тарбия, ҳам даъват бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг хусусий тадбиркорлардан бири – Ойдин маҳалласида истиқомат қилувчи Дилшод Набиевнинг хонадонидан меҳмон бўлди. Бир пайла чой устида ўқитувчи ва унинг оила аъзолари билан самимий мулоқот қилди.

Озод РАЖАБОВ,
“XXI asr” шарҳловчиси



У кунларни унутиб бўладими?



Ҳар гал оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган кекса, дуоғўй инсонларнинг ибратли умр йўллари, ҳавас қилса арзиғулук ҳалол меҳнати фаолияти ҳақидаги чиқишлар билан танишганимда қалбимда беихтиёр шукроналик туйғулари жўш уради. Нега десангиз, фахрийлар, бой тажрибага эга юртдошларимиз орасида мустақилликнинг иккинчи ўн йиллигида мамлакатимиз сиёсий майдонига дадил қадам, халқчил ташаббус ва ғоялар билан кириб келган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясини тузиш, ташиқил этишида фидойиллик кўрсатган инсонлар бизнинг вилоятимизда ҳам жуда кўп.

Ҳозир ҳам кўз олдимда турибди: О'zLiDePнинг 2003 йилда ўтказилган таъсис съездида бухоролик фаоллардан Мансур Зокиров, Фармон Аминов, Раъно Раҳимова, Бахшullo Жумаев, Ориф Қодиров, Замира Жўраева билан бирга қатнашганмиз. Тарихий анжуманда юртимизнинг турли бурчакларидан келган неча юзлаб маслақдошларимиз билан баамаслаҳат ҳолда фикрлашганмиз, ҳаётий таклифларимизни юксак минбарда туриб дадил айтганмиз. Аввало, юртимизнинг иқтисодий тараққий этиши, халқимиз фаровонлиги йўлида хайрли ишларни амалга ошираётган тадбиркорларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифаларни зиммасига олишга чоғланган қалдирғоч сиёсий кучнинг илк аъзолари эканлигимиздан фахрланганмиз.

Қарангки, орадан йигирма ёшли оловқалб, навқирон йилитнинг умричалик йиллар ўтапти. Демак, бизлар мансуб бўлган бу партия ҳам айни куч-қувват, қудратга тўлган паллага етди. Шу давр оралиғида О'zLiDePдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга сайланган халқ вакиллари – депутатларимиз ташаббуси билан халқимиз ва мамлакатимиз тақдирини, истиқболига оид қанчалаб қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди, давлатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш борасидаги ибратли сазъ-ҳаракатлар ва самарадор ютуқларни қувонч билан санаб ўтиш лозим.

Табиийки, биринчи сафдаларга ҳар доим осон бўлмаган. Демакчизманки, дастлаб биз ҳам энди атак-чекач бўлаётган сиёсий ҳаракатнинг шаклланиши, аъзоларни жалб этиш, ташкилий ишларни уюштириш орқали жамоатчилик ўр-



Беҳбуд ЖУМАЕВ, О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши ҳузурдаги Фахрийлар кенгаши раиси, "Эл-юрт ҳурмати" ҳамда "Дўстлик" орденлари соҳиби

тасида кенг тарғибот олиб борганмиз. Лекин бирор киши қўйналяғимиз деб нолимаган. Шукрки, ҳаммаси ортада қолди. Ва бугун фахр билан айта оламизки, электратимиз вакиллари биздан ҳаммиша рози.

Бугунги кунда партиянинг Бухоро вилояти кенгаши ҳузурдаги 14 нафар нурунийлардан иборат фахрийлар кенгаши аъзолари барча ишларда бошқаларга ибрат намунасини кўрсатишяпти. Масалан, мамлакатимизда "Бир нуруний – 10 ёшга масъул" тамойилини кенг татибқ ва ташвиқ этиш, шунингдек, юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган "Яшил

мақон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларни ташкиллаштиришда фаол бўлишга интилишяпти. Ва вилоятимизнинг барча ҳудудларида партиявий лойиҳаларни амалга оширишда ҳам фаол ва қолаверса, яқин маслаҳатгўй сифатида фаолият олиб боришга ҳаракат қил-япмиз.

Мен ҳам сеvimли газетамиз томонидан қадрдон партияимизнинг йигирма йиллик айёмига бағишлаб тайёрланаётган ўқишли мақолалар, унутилмас хотиранлардан руҳланган ҳолда, барча юртдошларимизни ушбу байрамни муносиб нишонлашга даъват этаман!

ЙИГИРМА ЙИЛЛИК САБОҚЛАР

Авалдан биламизки, саналарга ҳар ким ҳар хил муносабат билдиради. Кимдир нишонлаш тадоригига пухта режа тузади. Бошқа биров эса айни шу кунни бўлган воқеани эслаш билан кифояланади.

Шу маънода 15 ноябрь мен учун қадрли сана десам, адашмайман. Зотан, бундан 20 йил аввал худди шу кунни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топган эди.



Равшан ФОЗИЛОВ, О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати

Бу – менинг партиям, дея ғуруланаётганимни асло баландпарвозликка йўйманг. Чунки аслида шу сиёсий куч менинг ҳаётим, муваффақиятларимга жиддий таъсир кўрсатди. Шу партиядан депутат этиб сайландим. Қандай ютуққа эришган бўлсам, бунда, албатта, шу сиёсий кучнинг қайси-сидир маънода ўрни бор.

Балки оқсоч тарих учун йигирма йил жуда катта муддат эмасдир. Лекин сиёсатда бу давр босиб ўтилган йўл, бажарилган ишларни ифтихор билан эслашга етарли деб ўйлайман.

Бошқача айтганда, 2003 йилда сиёсий майдонга чиққан О'zLiDeP мулкдорларнинг ўрта синфи, тадбиркорлар ва ишбилармонлар, фермерлар, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари манфаатларини ҳимоя қилишда муайян доволарни ошиб ўтди.

Электрат ишончини қозониш осон бўлмаганини алоҳида таъкидлабман бунга ҳам ҳамма яхши билади. Хусусан, ортада қолаётган 20 йил ичиди Тошкент шаҳар партия ташкилати ҳам салмоқли сиёсий тажрибага эга бўлди.

Бугунги кунда пойтахтимизда ўз сафидида 118 788 нафар сафдошни бирлаштирган 1 467 та бошланғич партия ташкилотлари, 20 нафар халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши, депутатлари, 147 нафар туман кенгаши депутатлари фаолият юритмоқда.

Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари сони 35 нафарни ташкил этади. Ўтган давр ичиди мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг фаол қатнашчиси сифатида умумхалқ референдуми, президентлик ва парламент, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловларида фаол иштирок этиб яхши натижаларга эришди.

Электрат билан ишлаш сифати ва самарадорлигини ошириш, "Ҳеч бир мурожаат эйтибордан четда қолиши керак эмас" тамойили асосида ноибларимиз аҳоли билан бевосита ўз сайлов округларида самарали тизимли мулоқот ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Шунингдек, улар оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни маънан етук ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёт ғоявий таҳдидлардан асраш, қонун лойиҳалари муҳокамасида фаол қатнашиб, жўялироқ, фойдалироқ таклифлар беришда фаол. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, таълим, тиббиёт соҳаларини ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, катта авлод вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бошқа долзарб масалаларга О'zLiDeP Тошкент шаҳар ташкилати алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Мамлакатимиз айни пайтда ривожланишнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйди. Ҳақиқа-

тан ҳам, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, инновацион тараққийёт борасида мамлакатимиз жадал одимламмоқда. "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" тамойили асосида шаклланган янги тизим эса ўзини тўла оқламоқда.

Янги Ўзбекистон кенг иқтисодий имкониятлар мамлакатидир. Изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тадбиркорликни ривожлантириш ва тўлиқ эркинлик бериш билан изоҳланади. Зотан, тадбиркорлик фаолияти ҳар қандай жамиятнинг тараққийётида лоқомотив эканига урғу бериш зарур.

Иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, ривожлантирувчи куч ва унинг драйвери том маънода тадбиркорлардир. Маънавийтли инсонлар иқтисодиётимизнинг ўсиши ва юртимизни фаровонлигига кучли таянч бўлади. Бу эса ижтимоий соҳани тубдан яхшиланишига хизмат қилади. Ватан тараққийёти, юртимиз тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида барчамиз бирлашиб, сидқидилдан хизмат қилмоғимиз олий саодатдир.

Партиянинг "Биргаликда биз кучмиз!" ҳамда "Битта мақсад бизни бирлаштиради – Ватан тараққийёти ва халқ фаровонлиги!" шiorлари фаолларимизга шижоат руҳини бермоқда.

МАВСУМ МУАММОЛАРИ

ҚИЛИЧИНИ ҚАЙРАБ ҚИШ КЕЛАЁТИР

Жойларда иситиш мавсумига тайёргарлик қандай? Ўтган йилги хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқарилганими?

Ёки ҳамма айб совуқнинг ўзига тўнкаб қўйиладими? Бу борадаги ишларнинг сифатини назорат қилишда депутатларнинг ўрни нечоғлик муҳим?

Халқимиз азалдан табиат ҳодисаларини кузатиш орқали олдиндан аниқлашган. Масалан, ҳазорнез бошланган вақтда қарғаларнинг баланд ё паст учушидан қишнинг қандай келишини билишган. Тадорикни ҳам шунга яраша қилишган. Кўкламга етгунча амалга оширилаётган тадбирларнинг пухта режасини тайёрлаб, унга қатъий риоя этишган. Ҳозирги тилда айтганда, асосий эътиборни ижрога қаратишган.

Парламент вакиларининг ўзларини сайлаган ҳудудларда куз-қиш мавсумини беталофат ўтказишга жиддий ҳозирлик кўриш билан боғлиқ жараёнларда бевосита иштирок этаётгани бежиз эмас. Зотан, депутат фаолиятида назорат тадбирлари долзарб ўрин тутаети. Термиз шаҳрида шу йўналишда олиб борилаётган ишлар билан жойида танишганимизда бажарилаётган ишларнинг сифати ва самарадорлиги кўпроқ диққат марказида бўлди. Ўрганишлар махсус саволнома асосида аҳоли хонадонлари, маҳаллалар, ижтимоий соҳа объектилари, тадбиркорлик субъектиларини қамраган



ҳолда масъул мутасаддилар иштирокида амалга оширилди. Жумладан, Термиз шаҳар электр таъминоти корхонаси тасарруфидидаги электр энергия инфратузилмаси ёрдамида 43 минг 26 та аҳоли хонадони, 3 минг 315 та юридик шахс мақомидаги истеъмолчиға электр энергиясини етказиб берилаётгани аниқланди. Шаҳарда электр энергияси таъминотини яхшилаш, 2023-2024 йиллар мавсумига тайёргарлик доирасида режалаштирилган 33 тадан 31 та трансформатор пункти, 74 км электр

узатиш тармоғида 57 км мукамал, 70 дона трансформатор пунктдан 66 дона ва 172,8 км электр узатиш тармоғидан 148 км электр таъминланган. Ўтган қиш мавсумида тармоқда юз берган муножаатларидан тегишли хулосалар чиқарган ҳолда Гулистон маҳалласида 2 та трансформатор пунктига қўшмача қувватлар ўрнатилган. Тўпроққўрғон маҳалласидаги трансформатор қуввати 2,5 баробар, Юлдуз маҳалласидаги қувват 1,5 баробарга оширилди. Мангузар маҳал-

ласидаги трансформатор пунктнинг 0,4 кВтли 1 кмдан ортиқ ҳаво электр узатиш йўли бўйлаб янги бетон таянчлар ўрнатилган. Мажнунтол ва Гулираёно маҳаллаларида трансформатор қувватларини 1,5-2 баробарга ошириш, электр узатиш йўллари реконструкция қилиш, бетон таянчлар ўрнатиш ва сим тортиш ишлари якунига етказилмоқда.

Газ таъминоти бўйича 7,7 км таъмирталаб тармоқларнинг 4,9 км ҳозиргача таъмирланган. 33,731 км ер ости газ қувурларини босим остида зичликка синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш ишлари бажарилган. Аҳоли хонадонларини бир маромда табиий газ билан таъминловчи 474 та газ тақсимлаш шохобчасининг барчаси тафтиш қилинган.

Ижтимоий соҳа объектиларини иситишда ДХШ асосида газ ва кўмир ёқилғисидида ишлайдиган янги иситиш қозонлари ўрнатилиб, қувурлар алмаштирилгани, изоляция ишлари амалга оширилганлигиға гувоҳ бўлди. Шунингдек, санаот корхоналарида электр энергиясини оғоҳлантирмадан узаш ҳолатларини бартаараф этиш юзасидан мутасаддиларға кўрсатмалар берилди.

Ўрганишлар шаҳарда энергия таъминоти борасида усиб бораётган аҳоли ва тадбиркорлик субъектилари сонидан келиб чиқиб, энергия



тежамкорлик, йўқотишларни минималлаштириш, инфратузилмани модернизация қилиш бўйича ишларни жадаллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, авваллари қайта тикланувчи энергия манбалариға нисбатан муқобил манба сифатида қараб келинган бўлса, сўнгги йилларда қайта тикланувчи энергия манбалариға жиддий эътибор берилиши, катта қўламдаги инвестициялар жалб этилиши натижасида соҳа ривожидида кескин ўсиш кузатилмоқда.

Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектиларини "яшил" энергия билан барқарор таъминлаш бўйича амалга



оширилаётган ишларни фаоллаштириш, бу борада аҳоли ўртасида тарғиб-тушунириш тадбирларини кўпайтириш, сифатли ва кафолатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиши талаб этилади.

Ботир МАРДАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ГУРУЧ НЕГА ҚИММАТЛАШЯПТИ?

АФСУСКИ, БУ МУАММОНИНГ ИЛДИЗЛАРИ АНЧА ЧУҚУР

Ўзбекининг тўйи-ю асаси ҳам ошсиз ўтмайди. Ҳафтада ҳеч бўлмаганда бир бора палов пишмайдиган хонадонни топиш қийин. Миллий таомни мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида ўзига хос услубда тайёрлашади. Ош марказларини-ку, айтмай қўя қолайлик, бугун ҳўранда-лар энг кўп қирадиган овқатланиш масканла-рига айланаиб қолди.

Ошнинг асосий масаллиги – ГУРУЧ!
...Неча йиллардан бери гуруч олди-сотдисиди билан шуғулланадиган жияним ўтган ҳафта ёзғириб қолди: “Шо-ли ўрими бошланиб, янги гуруч оқлаш тегирмонларига ке-ла бошлагач, нархи ўз-ўзидан кескин тушиб кетиб, килоси-ни 12-13 минг сўмдан олаётгандик. Кутилмаганда бирдан баҳоси осмонга сапчиб, 18-19 минг сўмга чиқди. Бу аҳвол-да эртага Хоразмнинг ўзида ўттиз мингга чиқмаслигига ҳам кафолат йўқ”...

Ана энди йилнинг тўрт фаслида ҳам энг харидориги маҳсулот бўлмиш гуруч асосан Қорақалпоғистон Респу-бликаси ва Хоразм тарафларидан пойтахт ва бошқа вило-ят-шаҳарлардаги бозорларга етказиб берилишини ҳисобга оладиган бўлсак (йўл-транспорт, бошқа харажатлар-чи?), ошсевар халқимизга жабр бўлмайди? Айнан шу кунлар-да Тошкентнинг ўзида бир килограмм “Аланга” навли Хо-разм гуручининг нархи 20-25 минг сўм атрофида эканлиги масаланинг нақадар жиддий эканлигини кўрсатмайдими?

Ўтган йили айнан куз ўртасида ана шу савил қолгур-нинг бир килограмми ўртача 7-8 минг сўм атрофида эди. Баҳор адоғи, бутун ёз бўйи нарх 20 минг ва ҳатто ундан ҳам ошиб кетди. Табиийки, бу ўтган йилги ҳосилнинг та-ги кўриниб қолгани билан изоҳланаётганди. Ҳар йили айнан “хирмон усти” – янги ҳосил бозорга солиниши билан гу-руч нархининг кескин пасайиши кузатилади. Кўпчилик шу пайтда бир йилга етадиган қилиб ғамлаб ҳам оларди. Бу йил... билмадим!

Ҳўш, нега шундай бўлди? Нима учун айнан кузакда нарх-наво кўтарилиб кетди? Сабаблари нима?

Маълумки, Хоразм гуруч етиштириш бўйича юртимиз-да етакчи ҳудудлардан бири ҳисобланади. Яъни республи-камизда етиштирилаётган ҳосилнинг камида 35-40 фоизи вилоят деҳқонлари зиммасига тўғри келади. Аҳоли ҳисо-бидеги 33 минг гектардан ортиқ қўшимча томорқаларнинг аксаридега, кўп йилларки, “буғдой-шоли етиштириш тажри-баси” шаклланган ва ана шу оғир меҳнатнинг ортидан неча минглаб оилалар ўз тирикчилигини кечиради. Асосан буғ-дойдан бўшаган майдонларга шоли кўчатлари ўтказилади. Бу мураккаб технология аλλαқачон катта майдонларда ҳам



қўлланилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан уч йил олдин вилоятда шолчилик илмий-текшириш институти фаолиятини бошлади ва бу даргоҳда шолнинг тезпишар навлари синовдан ўтказилмоқда. Яна йирик майдонларда шолни кўчатлайдиган замонавий ускуналар ҳам келти-рилган.

Аҳоли ўз ихтиёридаги қўшимча томорқаларда етиштирган ҳосилнинг салкам ярмини, албатта ўз оиласи эҳтиёжидан ортиганини рўзгорини бутлаш, бола-чақасини кийинтириш, едириш-ичириш учун бозорга чиқаради. Бу ёқда фермер ҳўжаликлари ҳам буғдойдан бўшаган май-донларнинг каттагина қисмига шолнинг тезпишар навла-рини эқади. Умуман олганда, вилоятда аҳоли ва фермер ҳўжаликлари ҳар йили ўртача (Амударёда сув миқдорига қараб, албатта) 200 минг тонна атрофида гуруч етишти-ри-

шини тахмин қилиш мумкин. Демак, шунча маҳсулотнинг учдан икки қисми бошқа ҳудудлардаги бозорларга олиб кетилади.

Бу йил ҳаммаимиз биламизки, сув танқислиги боис шолни нисбатан кам майдонларда эқилди. Эқилган, пишиб етилган шолни ўз вақтида йиғиштириб олишга келганда эса...

Аввало, табиат инжиқлик қилди: октябрь ойи бошла-рида ҳаво кескин совиб кетди ва қаторасига уч кун қиров тушди. Бу пайтда шолнинг ярми ҳам ўрилмаганди.

Шоли кўчатлаш вақтида қўл кучи етишмагани ва яна ҳар бир сотих майдонни кўчатлаш учун иш ҳақи 50 минг сўмгача (ўтган мавсумда энг юқори баҳо 25-30 минг сўм атрофида бўлганда) кўтарилганидан аксар фермерлар буғдойдан бўшаган далааларга тезпишар “Гулистон” нав-

ли шолни уруғи сепишга мажбур бўлишди. Ёзда ҳаво ҳаро-рати кутилмаганда юқори бўлгани учун шолни ниҳоллари ортиқча бўй чўзди, оқибатда бошоқлаши кечикди. Нати-жа эса маълум: чала пишган шолларни устига устак қи-ров зарарлади, уриб кетди. Камига эртапишар шол и-ви касалликка чалиниши ҳам кузатилди. Кўп йиллардан бери эқилиб келинаётган тезпишар “Нукус” навли шолни айнан касалликка чалиниши туфайли истеъмолдан чиқиб кетганди.

Шу ўринда янги шол навлари яратиш устида ишлаёт-ган селекционер олимларга ҳам эътирозларимиз кам эмас. Негаки, кўряспизлар, йил сайин экологик аҳвол қийинла-шиб бормоқда. Бир ёқда сув муаммоси оғирлашмоқда. Демак, энди қандай бўлмасин, шолнинг тезпишар навла-рини яратиш бўйича изланиб, энг аввало, масаланинг шу томонига жиддийроқ эътибор қаратишлари керак. Негаки, оддий мисол, шу йили кутилмаган қандайдир касаллик ту-файли юзлаб гектарларга эқилган тезпишар навли шол-лар ҳатто ҳосил ҳам туғолмай қолди.

Ва яна аксига олиб, айрим туманлар мутасаддилари фермерларга пишиб етилган шолни ўз вақтида (қировли кунларга қолдирмасдан) йиғиштириб олишларига атайлаб ҳалақит қилишгача боришди. Ҳатто энг ачинарли томони, “пахта режасини бажармагунча шолни ўрилмасин!” дея буй-руқ беришдан ҳам қайтишмади...

Биламиз, пахта учун қиров, совуқнинг унчалик зарари йўқ. Шоли эса табиат инжиқликларига қарши туролмайди-ган ўсимлик. Арзимаган қиров ҳам чала пишган шолни та-моман нобуд қилиши, пишганларини эса зарарлаб, сифат-сиз ҳолатга келтириши мумкин.

...Куз кутилган ва кутилмаган ёгин-сочинли кунлари билан ёзда қолмоқда. Мана, ўтган ҳафта адоғида бизнинг Хоразмда кучли ёмғирлар кузатилди. Ўтаётган ҳафтада ҳам синоптикларнинг тахминларича ҳаво кўнгилдагидек бўлмайди.

Ҳар кунимиз ғанимат бўлиб турган шу кунларда шо-ли ўрадиган комбайнлар далада ишлаб олмайпти. Ҳали эса минглаб гектарлардаги шолни ҳосили ҳамон йиғиштириб олинмаган. Намчил ҳаво йиғиштирилмаган ҳосилнинг қан-часини нобуд қилади, у ёғини Худойим билади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: аслида фермер-ларнинг далааларида етиштирилган шолсини ўз вақтида йиғиштириб олишга мутасаддилар бош-қош бўлишлари керак эмасмиди? Балки шундай оқилона йўл тутилганда эди, пишиб етилган шолни хирмонларга тўкилиб, омборла-римиз тўлармиди...

**Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири**

21 ОКТАБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

✓ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



Тилга эътибор – элга эътибор

О‘zLiDeP Беруний тумани кенгаши ташаббуси билан “Қадринг баланд бўлсин она тилим” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ташил қилунди. Иштирокчилар она тилининг бугунги кундаги нуфузи ва мавқеини янада ошириш, қола-верса, бу борада учраётган айрим камчиликларни бартараф этиш ху-сусида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди. Давлат тилининг нуфу-

зи ва мақомини камситмаган ҳол-да бошқа тилларни ҳам ўрганиш, ривожлантириш бўйича олиб бо-рилаётган амалий ишлар таҳлил қи-линди. Тадбир доирасида тайёрлан-ган бадийий-мусликий байрам дастури кўпчиликни қувонтирди.

О‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати



✓ САМАРҚАНД

Байрам бир кун эмас

О‘zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан Жанубий кон бошқармаси Заркент шаҳарчасидаги маданият маскани-да ўзбек тили байрами бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида мамлакатимиз олтин хазинасига ҳисса қўшиб келаётган кон хо-димлари ўртасида диктантлар танлови ўтказ-илди. Ғолибларга эсдалик ва қимматбахо совғалар тақдим этилди. Сўнг викторина саволларига тезкор ва аниқ жавоб берган билимдонлар рағбатлантирилди. Тизимда

меҳнат қилаётган ишчи ва ходимлар фар-зандларининг бадийий чиқишлари байрамона кайфият улашди.

Тадбир якунида тилимизни асраш, унинг гўзаллиги ва нафислигини англаш ҳамда ке-

лажак авлодларга етказиш барчамизнинг муқаддас вазифамиз экани таъкидланди.

О‘zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

✓ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ўзбекчага таржима қилинса...

Партия Оҳангарон шаҳар кенгаши аппарат раҳбари Гул-жаҳон Жиянова давлат тилини янги поғонага олиб чиқиш бо-расида қилинаётган саъй-ҳара-катларни алоҳида эътироф эт-ган ҳолда айрим таклифларни ҳам айтиб ўтди. Жумладан, ўз-бек тилининг давлат тили сифа-тидаги роли ва нуфузини янада такомиллаштириш билан боғлиқ фармон ижросини таъминлаш, айниқса, ҳали ўрганилмаган ва тадқиқ этилмаган қадим манба-ларни она тилига ўгириш бўйича ҳам олдимизда катта вазифалар турганини таъкидлади.

Тадбирда фаол иштирок эт-ган иқтидорли талабаларга пар-тия ва университет Олмалиқ фи-лиалининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Зулфияхон ТҲХТАСИНОВА,
О‘zLiDeP Оҳангарон шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти” раиси, филиал талабаси**

Пискент туманидаги 1-ихтисос-лашган давлат умумтаълим мак-табида ҳам ўзбек тили байрамига бағишланган маърифий тадбир бў-либ ўтди. Дастлаб ўқувчилар “Алла”ни қуйлашди, атрофга сукунат чўмди, томошабинлар бутун вуҷуди қу-лоққа айланиб тинглади. Она тили-мизда ижро этилган қадрон нола барчани бир зумга ўйга толдирди, жон томиларини уйғотиб юборди гўё.

Шундан сўнг саҳнага ўқувчи-

лар буюк аждодларимиз қиёфаси-да чиқишиб, тилимизни улуғловчи шеър ва ҳикमतларни тақдим этиш-ди. Ўзбек тилининг тарихи ҳақида маълумот беришди. Ойбекнинг “На-войий” романидан парча намойиш этишди.

Мактабнинг она тили ва адаби-ёт фани ўқитувчиси Дилдора Ҳимай-дуллаева томонидан тайёрланган ушбу тадбирга ёшлар ҳам томонла-му пухта тайёргарлик кўргани, ба-дийий дастур ибратли ва таъсири, тарихий воқеаларга таянганлиги би-лан кўнгилларда чуқур из қолдирди.



ПРОФЕССОР МУСТАФА ДЕМИРЖИ:**ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁНИНГ
ИҚТИСОДИЙ МАРКАЗИГА АЙЛАНАДИ**

Яқинда мамлакатимизда Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги муносабати билан халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилганидан хабарингиз бор. Тўрт кун давом этган конференцияда 20 дан ортиқ давлатларнинг 30 га яқин олимлари бевосита ёки билвосита иштирок этди. "XXI asr" газетаси мухбири Туркиянинг Кўня шаҳридаги Салжук университети профессори Мустафа Демиржига бир неча савол билан муурожаат қилди.

**– Ўзбекистонга нечанчи бор келишингиз?**

– Мамлакатингиз дунёга очилганидан сўнг, 2017 йилдан буён ҳар йили келяпман. Ҳар сафар катта-катта ўзгаришларга гувоҳ бўляпман.

– Бугунги кун ҳақида яна гаплашамиз. Ҳозир суҳбатимиз ўзини тарихга бурсақ. Берунийнинг жаҳон тамаддунига қўшган энг катта ҳиссаларини санаб бера оласизми?

– Биринчиси, инсонларни ҳар хил асосиз, ҳақиқат бўлмаган нарсалардан узоқлаштирган. Масалан, афсоналарни, халқ орасида кенг тарқалган уйдирма ривоятларни рад қилган. Одамларга рост бўлган, ҳақиқатга мос келувчи нарсаларни ўргатган. Раціонал фикрлашни ўргатган. Бу жуда муҳим иш.

Иккинчиси, табиий фанлар оламида кўпга билимларнинг тамал тошини қўйган. Масалан, унинг астрономияга оид фикрлари замонавий астрономия фанига асос бўлган. Берунийнинг минг йил аввалги ҳисоб-китоблари ҳозирги рақамлар билан деярли бир хил.

Учинчиси, Беруний ўзидан олдинги билимларни ўрганди, уларни текширди, хато фикрларни танқид қилди ва ўз вариантларини илгари сурди. Яъни ўз даврига қадар ўргатилган тарих, география, астрономия оламидаги билимларнинг ҳаммасини кўздан кечирди, элақдан ўтказди. Янглиш фикрларни илмий асослар билан тузатди.

Тўртинчиси, гуманитар фанларга тамал тоши қўйди. Илк бор "улум ул-инсоний" фани доирасида фикрларни ёзди. Ижтимоий билимларнинг методологиясини ўртага ташлади. Унинг марказига тарих, география ва адабиётни жойлаштирди.

Бешинчиси, маданиятлар антропологиясини ёзди. Бу орқали этнология ва антропологияга тамал тошини қўйди. "Ҳиндистон" асарида бошқа маданият тарихи, хусусиятларини ўрганиш методологиясини амалда кўрсатиб берди. Ушбу китобни ўқиб, Ҳиндистонга саёҳат қилган бир дўстим менга "Берунийнинг ёзганлари жуда тўғри ва улар ҳозирги кунда ҳам амалдадир", деб айтди.

Олтинчиси эса, Беруний самимий мусулмон эди. Масалан, у устоз деб билган Закарий ар-Розий дейист бўлган. Беруний икки олимни иштиёқ билан ўрганган: биринчиси ар-Розий, иккинчиси Абу Ёқуб

ал-Киндий. Беруний улардан ўзи учун керакли билимларни ўрганди, чунки у яҳши мусулмон эди.

– Жуда яхши мавзунингиз, муқтарам профессор. Яқинда ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сигментига Беруний ва Ибн Сино каби алломаларимизнинг динга муносабати борасида бахслар бўлиб ўтди. Баъзилар ўша пайтдаги уламолар бу олимларни танқид қилгани, чунки улар динга қарши бўлганини даъво қилишди. Бу ҳақда нима дейсиз?

– Берунийнинг мусулмонлик борасида ҳеч қандай муаммоси йўқ. Аллома ўзининг барча кашфиётлари, тадқиқотларини муқаддас Қуръони карим оятлари билан боғлаган ва асослаган. Чунки дин ва фан ўртасида кескинлик қўрмаган, диний ва дунёвий билимларни вобаста ўрганган. Менинг ўзим ҳам Беруний каби фикрлайдиган инсонман.

Масалан, Беруний Қуёш ҳажм жиҳатидан Ердан жуда катталиги, демак, у ўзидан анча кичкина жисм атрофида айланиши мантиқан тўғри эмаслигини айтган. Исломи динида бу эътиқод масаласи эмас эди, шунинг учун аллома танқидга учрамади. Бироқ Ғарбда, христианликда бу диний масала эди ва черков гелиоцентрик назарияга қарши чиқиб келди. Ҳатто Европа Ренессанси даврига қадар таъқиб қилинди. Коперник ҳам Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги фикрга келишда Беруний меросига таянган деб ўйлайман.

– Анжуманда Беруний замонавий иқтисодиёт назариясининг ҳам тамал тошини қўйган олимлардан бири эканини айтгандингиз...

– Ҳа, алломанинг асарлари шотланд либерализмига таъсир қилган. У "Китоб ал-жамохир фи-маърифат ал-жавохир", яъни "Қимматбахо жавохирлар ҳақида билимлар китоби"да қимматбахо маъданларнинг иқтисоддаги ўрни ва қиймати ҳақида ёзган ва бундай маъданларга эга бўлиш давлатга қандай фойда келтириши ҳақида баҳс юритган. Беруний илгари сурган фикрлар иқтисодий либерализмга жуда ўхшаш ғоялар эди. Туркиялик машҳур фан тарихчиси Фуат Сезгин "Берунийнинг изланишлари шотланд либерализмига таъсир ўтказди", деб ёзади.

– Бизда Абу Райхон Беруний Американи Колумбдан олдинроқ кашф этгани ҳақида фикр кенг тарқалган. Бу тахмин ҳатто дарсликларимизда ҳам бор. Айниқса, эл суйган шоир Абдулла Ориповнинг "Ўзбекистон Ватаним маним" шеърисида шу фикрга қурилган мисралар жуда машҳур. Аслида Беруний айнан нима деган эди?

– Беруний океан ортида катта бир қитъа борлиги ҳақида гапирмаган. У дунёнинг координатларини жуда яхши билган. Аббосийлар даврида халифа Маъмун буйруғи билан дунё харитаси тайёрланган. "Маъмун харитаси"ни ҳам бошқа бир хоразмлик Муҳаммад ал-Хоразмий чизган. Беруний бу хариатани танқид қилган, хатоларини айтган, шаҳарлар ўртасидаги масофалар нотўғрилигини кўрсатган. Беруний Ер шарининг Экватор чизиги узунлигини ҳисоблаб чиққан ва унинг ҳисоб-китоби ҳозирги кундагига жуда-жуда яқин. Мағрибдан Чингача бўлган масофани аниқ билган ва ернинг қолган жойларини катта денгизлар қоплаб олганми ёки қуруқлик ҳам борми, дея савол қўйган. Албатта, шеърда мунозаъа бўлиши табиий.

– Энди яна бир савол. Биз ўзбеклар, айниқса, мустақилликдан кейин буюк аждодларимиз билан мақтаниш, фахрланишга ружу қўйдик. Улуғ ота-боболарни мадҳ этиш бугунги авлодларга нима беради?

– Тарих дегани 24 соатда тугамайди. Инсон ўзлигини ўтмишдан олган унсурлар билан тушунади. Баъзи миллатларнинг бой тарихи йўқ. Аммо бу юрт жаҳонга энг буюк шахсларни етиштириб берган. Улуғ алломалар халқнинг қилмигини кўрсатади. Улар миллий ифтихор сифатида аҳолини бир бутун бўлиб бириктиришга ҳам ёрдам беради. Бундай фахрланишни тўғри тушуниш лозим деб ўйлайман.

– Нега бизнинг минтақадан буюк олимлар кўп етишиб чиққан?

– Биринчидан, минтақадан кучли давлатлар ҳукмронлик қилган бўлса-да, нисбатан мустақиллигини сақлаб қолган кўплаб шаҳарлар бор эди. Мустақил шаҳар-давлатлар нима дегани? Булар тарихда бой, савдонинг маркази бўлган ерлар демакдир.

Қадимги юнон цивилизациясига асос бўлган омил Оқ денгиз бўйидаги шаҳар-давлатлардир. Капитализм уч шаҳарда пайдо бўлди – Венеция, Генуя ва Амстердам. Булар савдогар, бой шаҳар-давлатлар эди. Билим қишлоқда бўлмади, билим бойлик бор жойда бўлади. Одам бой бўлса, билим олишга бўш вақти бўлади. Менимча, биринчи сабаб шу. Марказий Осиёдаги шаҳар-давлатлар Буюк ипак йўли устида жойлашган эди ва турли халқлар, маданиятлар, динлар билан доимий алоқа ўрнатилган эди. Савдо уларни бой қилди ва илм-фан билан шуғулланиш учун қулай шароит яратди.

Иккинчиси, бу ўлка Осиёнинг марказида жойлашган. Жанубдан, Ҳиндистондан то Бухорога қадар буддавийлик кенг тарқалган, шимолда, Шош, Хоразм, Суғда эса зардуштийлик асосий динга айланган. Қолавёрса, католиклар томонидан қувилган христианлар ҳам келган. Шунингдек, яҳудийлар ҳам кўп эди. Яъни бу ер иккинчи Месопотамия эди, турли хил маданиятлар қоришган. Минтақага барча динлар ташқаридан кириб келди. Уларнинг ўзаро тортишувлари эса догматизм кучайишига тўқтинлик қилди, аксинча, раціоналлик – мантиқий фикрлаш ривожланди. Масалан, бошқа бир диндаги инсонга ислом оятлари, ҳадисларни айтса, буни тушунадими? Йўқ! Сиз нима қиласиз? Ғайридин қабул қилиши учун динингизни раціонал қолипга соласиз. Шунинг учун бу ерда барча динлар раціоналлик йўлидан юрди. Буддизм ҳам, зардуштийлик ҳам шундай қилди. Минтақада динларнинг раціоналлик, мантиқийлиги тўқнашди. Бундан ташқари, ислом дини ўрнашган ҳам, халифаликнинг марказида урушлар ва тартибсизлик кучайган пайтда кўплаб соғлом фикрли уламолар Марказий Осиёга келди ва раціонал билимларни ривожлантирди.

Марказий Осиёда математика, астрономия фанлари ривожланишига яна бир сабаб, бу ерда ҳам Мисрдаги каби дарёлар тошқинини олдиндан баҳолаш эҳтиёжи мавжудлигидир. Амударё, Зарфшон дарёлари йилнинг қайси вақтида тўлиб оқини бишлиш учун астрономия керак эди, астрономияни ҳисоблаш учун эса математикага зарурат туғиларди. География ҳам ўз-ўзидан асосий тушунчага айланарди. Шунинг учун, қаранг, Беруний, Хоразмий, Фарғоний ҳам математик, ҳам астроном, ҳам географ бўлган.

Кейин яна бир сабаб бор. Ибн Халдон бадавий қавмларнинг болалари ақли бўлади, чунки улар даштдаги табиий озик-овқатларни истеъмол қилади, деб ёзади. Мен Ўзбекистонга келиб, Амударё, Зарфшон бўйидаги қишлоқ хўжалигини кўрдим. Мева ва сабзавотлар жуда мазали. Шунинг учун сизнинг ўсмирларингиз ҳам жуда зеҳтли. Буни ташқарига чиқиб ёки ташқаридан келиб бишлиш мумкин.

– Мана, суҳбат асосида гап айланиб, тарихдан бугунги кунларгача етиб келдик. Ҳозир бизда ўтмишдаги икки Ренессансдан илҳом олган ҳолда учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш ғояси илгари сурилмоқда. Ушбу йўлда биринчи омилини айтдингиз – ўзбек ёшларининг ақл-заковати юқорлиги ва бунда табиий озик-овқатларнинг муҳимлиги... Илм-фанда кескин кўтарилишларга эришиш учун яна нималар керак, деб ўйлайсиз?

– Аввалги икки Ренессансга нималар зарур бўлган бўлса, худди ўша омилилар муҳим. Бу ерда ҳар йили келаётган хорижлик мутахассис сифатида айтишим мумкин, мамлакатингиз йилдан йилга юксалиб бормоқда. Агар тўғри, халқчил сиёсат юритилса, Ўзбекистон ўн-ўн беш йилда Осиёнинг иқтисодий марказига айланиши ҳеч гап эмас. Ҳозир Буюк ипак йўлини тиклашга, қуруқликда савдо йўллари ривожлантиришга ҳаракатлар кучайган. Бу ҳам ўзбек халқининг фойдасига ишлайди!

– Суҳбатни некин хулоса билан тугатганингиз учун ташаккур! Сиз айтган кунлар тезроқ келисин ва ўшанда ҳам иккимизга бирга ўтириб гурун қилиш насиб қилсин!

Фаррух ЖАББОРОВ суҳбатлашди.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@umail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1045
Адади: 9145
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 18:20

Тахририятга келган қўлхонлар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнёр

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.



НАШР КўРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛИМИРЗАЕВА

Тахрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҶАЕВА

Сирожиiddин САЙИД
Аҳмад ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ